

8-1-2018

## THE ISSUES OF ACCOUNTING OF CURRENCY OPERATIONS

N. Imamova

*Banking and finance Academy*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

---

### Recommended Citation

Imamova, N. (2018) "THE ISSUES OF ACCOUNTING OF CURRENCY OPERATIONS," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 4 , Article 32.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss4/32>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

**Имамова Н.М. – ЎзРБМА,  
таянч докторант**

## **ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ МАСАЛАЛАРИ**

Мазкур мақолада экспорт-импорт фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик субъектларида валюта операцияларининг моҳияти, ўзига хос хусусиятлари ва валюта операциялари ҳисобини ташкил этиш тартиби ёритилган.

**Калит сўзлар:** Экспорт-импорт, актив, мажбурият, чет эл валютаси, валюта операциялари, курс фарқлари, молиявий ҳисоботлар, консолидациялашган ҳисоботлар, молиявий ҳисобот халқаро стандартлари

В данной статье рассматриваются аспекты учета участвующие в экспортно-импортной деятельности, широко освещаются при расчете валютных операций, сущности и значимости валютных операций.


**Ключевые слова:** Экспорт-импорт, активы, обязательство, иностранная валюта, валютные операции, разницы курсов, финансовые отчеты, консолидированные отчеты, международные стандарты финансовой отчетности

This article discusses the accounting aspects involved in export-import activities, are widely covered in the calculation of currency transactions, the nature and significance of foreign exchange transactions.

**Key words:** Export-Import, Asset, Liability, Foreign Currency, Currency Transactions, Course Differences, Financial Reports, Consolidated Reports, International Financial Reporting Standards

### **Кириш**

Мамлакатимизда ташқи бозорда ўз ўрнига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг вужудга келиши, хорижий инвестицияларнинг жалб қилиниши муқаррар равишда хорижий валютадаги муомалаларни вужудга келтиради. Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларни ҳисобга олиш ва баҳолаш бухгалтерия ҳисоб тизимида ўзига хос хусусиятга эга. Хўжалик юритувчи субъектларда самарали ташқи савдонинг амалга оширилишида чет эл валюталаридаги операцияларни тартибга солиш, товарлар (хизматлар)ни экспорт ва импорт қилишдан олинган валюта тушумлари устидан назоратни ўрнатилиши муҳим жараёнлардан биридир. Дунё мамлакатлари ўзаро ташқи иқтисодий фаолиятида валюта муомалалари ва такрор ишлаб чиқариш ўртасида бевосита (тўғридан-тўғри) алоқалар мавжуд. Уларнинг объектив асоси бўлиб товарлар, капиталлар, хизматлар билан халқаро алмашувни вужудга келтирувчи ижтимоий ишлаб чиқариш жараёни ҳисобланади. Халқаро валюта муносабатларини юзага келтирувчи асослар сифатида қуйидагиларни эътироф этишимиз мумкин:



### **1-расм. Халқаро валюта муносабатларини юзага келтирувчи асослар[1]**

Демак, қайд этиш мумкинки, бу жараёнда иштирок этувчи асосий фаолиятлардан бири экспорт ва импортдир. Хўжалик юритувчи субъектлар чет эл валюта операцияларини амалга оширишда асосий объектларидан бири бўлиб экспорт ва импорт билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобланади.

#### **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили**

Халқаро савдо операцияларининг амалга оширилишида халқаро валюта тизими ва уларни ҳисобга олишга оид иқтисодчи олимлар ва мутахассислар томонидан билдириб ўтилган фикр-мулоҳазалар ва турли ёндошувлар шарҳи қуйида келтириб ўтилади, жумладан:

Robert Kirk компаниялардаги халқаро валюта операцияларини амалга оширишни ва ҳисоботларда акс эттиришда мазкур жараёни икки гуруҳга бўлади:

чет элдан товарлар ёки хизматларни сотиш ёки сотиб олиш, (яъни транзакцияларни ҳисобга олиш);

хорижий операцияларни консалидация ҳисоботларини амалга ошириш мақсадлари учун бош компаниянинг функционал валютасига ўтказиш орқали.[2]

А.А.Суэтин эса, халқаро валюта тизимига шундай тариф беради: “халқаро валюта тизими - талабларнинг тартибга солиниши ва ташқи савдо шунингдек бошқа халқаро молия операцияларидан келиб чиқувчи қарзларни қоплаш учун турли миллий валюталарни алмашиши тизимидир”. [3]

Е.В.Шаповал фикрига кўра, замонавий валюта бозори бутунжаҳон хўжалиги иқтисодиётида фаолият юритадиган мураккаб ва динамик иқтисодий тизимдир. Валюта бозори чет эл валютасида савдо сотиқ операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ барқарор муносабатлар тизимига воситачилик қилувчи махсус институтчионал механизмдир.[4]

Т.С.Максименконинг фикрича, ташқи савдо операциялари ишончли ҳисобини ташкил этиш муаммоларини ҳал қилиш ташқи иқтисодий фаолият билан бевосита боғлиқ бўлган молиявий таваккалчиликларни минималлаштириш учун бошқарув қарорларини қабул қилишга имкон беради.[5]

Бугунги кунда дунё мамлакатлари ўртасида халқаро кўламда молиявий ҳисоботларнинг таққосланувчанлиги, мослашувчанлиги, шаффофлигини ошириш мақсадида ҳисоб тизимида халқаро ёки минтақавий миқёсда стандартлаштириш тизими амалга оширилмоқда. Халқаро тажрибани кузатар эканмиз, ривожланган мамлакатлар миллий стандартларида мазкур жараённинг қўлланиш доираси қуйидагича ўз аксини топган:

<b>Indian Accounting Standard (Ind AS) 21The Effects of Changes in Foreign Exchange Rates[6]</b>	<b>MALAYSIAN ACCOUNTING STANDARDS BOARDMASB Standard 6The Effects of Changes in Foreign Exchange Rates[7]</b>
<p><i>Компания ва фирмалар хорижий фаолиятларини икки хил усул орқали амалга оширишлари мумкин. Чет эл валютаси билан боғлиқ операциялар орқали ёки чет эл операциялари орқали амалга оширадilar. Бундан ташқари, молиявий ҳисоботини чет эл валютасида тақдим этишлари мумкин. Мазкур стандартнинг мақсади корхонанинг молиявий ҳисоботида хорижий валютадаги операцияларни ва хорижий операцияларни қандай акс эттириши шунингдек, молиявий ҳисоботларни тақдимот валютасига қандай ўтказилишини белгилашдан иборат.</i></p>	<p><i>Компания ва фирмалар хорижий фаолиятларини икки хил усул орқали амалга оширишлари мумкин. Чет эл валютаси билан боғлиқ операциялар орқали ёки чет эл операциялари орқали амалга оширадilar. Хорижий валютадаги операцияларни ва корхонанинг молиявий ҳисоботларида чет эл операцияларини ифодалаш учун корхоналар ҳисобот валютасида ифодаланиши ва корхоналарнинг ҳисоб китоб валютасига ўтказилиши керак.</i></p> <p><i>Ушбу стандарт қўлланилиши керак:</i></p> <p><i>(a) Хорижий валютадаги операцияларни ҳисобга олишида;</i></p> <p><i>(b) хорижий операцияларни молиявий ҳисоботларда акс эттириши, мутаносиб усул, ўз маблағлари иштирокидаги усул ёки чет эл валютасидаги операцияларни амалга оширишидаги мақсадлар учун консолидациялашган ҳисоботларни амалга оширишида.</i></p>

**1-расм. Осиё давлатларида валюта операцияларига оид ҳисоботларни юритиш тартиби**

Польша давлатида мазкур жараён Польша қонунчилиги Бухгалтерия акти, Корпорациялар даромад солиғи акти ва МҲХС орқали белгиланади. Демак, ҳар бир мамлакат валюта операцияларини амалга оширишда ички ҳамда ташқи ҳисоб хусусиятларидан келиб чиқиб стандартларини ишлаб чиқади ва валюта ҳисоб тизимини амалга оширади.

#### **Тадқиқот методологияси**

Илмий-тадқиқот ишини ўрганиш давомида илмий усуллар – экспериментал тадқиқот, умумлаштириш, гуруҳлаштириш, таҳлилнинг мантикий ва таққослама усуллари, абстракт-мантикий фикрлаш, каби усуллардан фойдаланилган.

#### **Таҳлил ва натижалар**

Экспорт ва импорт мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг муҳим қисмидир. Импорт муомалаларини амалга оширишда асосий жиҳатлардан бири сифатида чет элдан товарлар харид қилинади ва бозорлар истеъмолчилар томонидан талаб қиладиган товарлар билан тўлдирилади. Бу хорижий етказиб берувчи қўшимча бозорга эга бўлади ва бу муносабатларнинг вужудга келиши

иккала томони учун ҳам фойдалидир. Импорт муомалалари билан боғлиқ ҳисоб тизими ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, айниқса, бозор муносабатларининг вужудга келишида муҳим роль ўйнайди. Дунё мамлакатлари тажрибасида импорт операцияларини ҳисобга олиш тартиби хорижий етказиб берувчилар билан бирга ҳисоб-китобларнинг танланган шаклига ва етказиб бериш шартларига яъни (инкассо, аккредитив очиқ ҳисоб ва бошқалар) боғлиқдир.

Импорт товарлари ҳисоб-китобини амалга оширишда шартнома шартларига биноан ҳар бир транспорт етказиб бериш қиймати ҳисобга олинади. Кирувчи импорт товарлар тўлиқ импорт қийматида рўйхатдан ўтказилади. Унга товарларнинг шартнома баҳоси ва чет эл валютасида тўланган умумий харажатлар (одатда чет элда) ва миллий валютада тўланган суммалар акс эттирилади. Импорт муомалаларида ҳисоб-китобнинг таркиби товарларнинг тури ва етказиб бериш жараёнлари билан аниқланади. Мамлакатимиз хўжалик юритувчи субъектларида валюта операцияларининг ҳисоб-китоб жараёнлари Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирининг 2004 йил 23 мартдаги 51-сон буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти 22-сонли “Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби стандарти” билан тартибга солинади. Стандартга мувофиқ чет эл валютасидаги операциялар бўлибқуйидагилар ҳисобланади:

мол-мулкни (асосий воситалар, номоддий активлар, товар-моддий захиралар ва бошқа активларни) чет эл валютасида харид қиладиган ёки сотадиган;

тўланадиган ёки олинадиган суммалари чет эл валютасида белгиланадиган кредит ёки қарз оладиган ёхуд тақдим этадиган;

зиммасига чет эл валютасида мажбурият оладиган ёки уни сўндирадиган ҳолларда чет эл валютасида содир этиладиган битимлар.

Маълумки, ташқи савдо билан шуғулланувчи, яъни ташқи бозорга товарлар, маҳсулотлар (иш ва хизматлар) етказиб берувчи хўжалик юритувчи субъектлар ўз маҳсулотларини чет эл валютаси асосида амалга оширади. Аммо валюта операциялари таркибига мазкур жараён аниқ келтириб ўтилмаган.

Шу ўринда чет эл валютасидаги операциялар сифатиданархи хорижий валютада белгиланган товарлар ёки хизматларни сотиш ёки сотиб олишнинг акс эттирилиши мақсадга мувофиқдир. Бу бевосита экспорт-импорт билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектларда товарлар, иш ва хизматлар билан боғлиқ операцияларни ҳисоб-китобини амалга оширишда янада шаффофликни беради.

Хориж тажрибаси кузатилганда халқаро ҳисоб тизимида мазкур жараён Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 21-сонли “Валюта курсларидаги ўзгаришларнинг таъсирлари номли стандарти” билан тартибга солинади.

Ewa Rogowska мазкур стандартга ўз қарашларини қуйидагича талқин қилади: хорижий валютадаги активларни ва мажбуриятларни баҳолаш ва тақдим қилиш ва валютада ифодаланган операцияларни ўтказишни тартибга солиди, дея эътироф этади ва қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

- валюта билан боғлиқ муомалаларни чет элда фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботларини тўлиқ ёки қисман консолидациялашган усулда ва тенглик усулида амалга оширилганда;

- баланс ва натижаларни тақдим қилиш валютасига ўтказилганда.[8]

Стандарт ўз ичига функционал ва тақдим этиш валюталарини қамраб олади. Функционал валюта қуйидаги мезонларга жавоб беради:

*биринчидан*, товарлар, иш ва хизматлар нархларига кучли таъсир кўрсатади;

*иккинчидан*, мамлакатнинг иқтисодий муҳит қоидаларига товарлар иш ва хизматлар нархларига кучли таъсир кўрсатадиган мамлакат валютаси;

*учинчидан*, сотилган товарлар ва хизматлар билан боғлиқ меҳнат ва бошқа харажатларга энг кучли тарозда таъсир ўтказадиган валюта;

*тўртинчидан*, тақдим этиш валютаси молиявий ҳисобот амал қиладиган валютадир.

Мазкур стандартга кўра, хорижий валютадаги операция-бу хорижий валютада белгиланган ёки ҳисоб-китобни талаб этадиган операциядир. Россия мамлакатада бу жараён «Учет активов и обязательств, стоимость которых выражена в иностранной валюте» (ПБУ 3/2006) стандарти билан тартибга солинади. Бироқ, ушбу стандартларни таққослаганда ўхшаш бухгалтерия тамойиллари билан бир қаторда бир қатор фарқлар мавжуд. Аввало, улар ҳужжатлар кўлами жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, экспорт ва импорт фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектларда чет эл валютасида кўрсатилган активлар ва мажбуриятларни қайта ҳисоблаш тартиби субъектнинг ҳисоб сиёсатида белгиланиши лозим. Ташқи савдо билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ўзига хос хусусиятларга эга.

Биринчидан; бу валюта курслари бўйича фарқларни ҳисобга олган ҳолда хорижий валютадаги операциялар бўйича ҳисоб ва ҳисобот маълумотларини вужудга келиши билан боғлиқдир.

Иккинчидан; бухгалтерия (молиявий) ҳисоботлардаги ташқи иқтисодий фаолиятни ҳисобга олиш бўйича операцияларни акс эттириш хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб сиёсатидан келиб чиқиб амалга оширилади. Хўжалик юритувчи субъектлар ҳисоб тизимини юритишда даромад харажатлар акс эттиришда, шунингдек, солиқни ҳисобга олиш билан фарқлар мавжудлиги сабабли субъект томонидан ишлаб чиқиладиган ҳисоб сиёсатида мазкур жараён аниқ қайд этилишини тақозо этади.

Бундан ташқари, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширувчи субъект учун ҳисоб сиёсати валюта курслари бўйича фарқларни ҳисобга олишни ва экспорт-импорт маҳсулоти ва хизматларининг нархини шакллантириш тартибини акс эттириши лозим.

Мамлакатимизда импорт қилинган товар-моддий бойликлар ва бошқа активларнинг харид қиймати божхона юк декларациясини тўлдириш ҳамда божхона бождари ва йиғимларини тўлаш санасига Марказий банк курсидан келиб чиқиб белгиланган импорт қилинган товар-моддий бойликларнинг ёки бошқа активларнинг шартнома қийматидан, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг

таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомга асосан аниқланади.

Стандартларни қўллаш доираси	БҲМС 22	МСФО (IAS) 21	ПБУ 3/2006
Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда шаклланиш қийматлари хорижий валютада ифодаланган активлар ва мажбуриятлар тўғрисида маълумот	банклар ва бошқа кредит ташкилотларидан ташқари	хорижий валюталардаги операцияларни ва қолдиқларни ҳисобга олишда, бунда МҲХС 9 «Молиявий инструментлар»нинг қўллаш доирасидаги дериватив операциялар ва қолдиқлари мустасно	Кредит ташкилотлари ва давлат (муниципиал) корхоналаридан ташқари
жамлаш (консолидациялаш) ёки улуш бўйича ҳисобга олиш усули орқали тадбиркорлик субъектининг молиявий ҳисоботларида акс эттирилган хориждаги бўлинманинг фаолият натижаларини ва молиявий ҳолатини бир валютадан бошқа валютага ўтказишда	Қўлланилмайди	Қўлланилади	Қўлланилмайди
Хўжалик юритувчи субъектнинг фаолият натижаларини ва молиявий ҳолатини тақдим қилиш валютасига ўтказишда.	Қўлланилмайди бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботлар маълумотлари фақатгина битта валютада (сўмда) акс эттирилади	Қўлланилиши мумкин агар функционал валюта ва валюта ҳисоботлари турли кўринишларда тақдим қилинганда	Қўлланилмайди бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботлар маълумотлари фақатгина битта валютада (сўмда) акс эттирилади

**2-расм. Халқаро (МҲХС 21), Россия (ПБУ 3/2006) ва Ўзбекистон (БҲМС 22)даги стандартларнинг ўзаро таққослама таҳлили.**

Чет эл валюта муомалаларида амалга оширилган операциялар яъни активлар ва мажбуриятларнинг қиймати, бухгалтерия ҳисобида акс эттириш мақсадида сўмларга қайта ҳисобланиши керак. Маълумки валюта курси экспорт ва импорт таркибига таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Шунинг учун валюта курси сиёсати, ташқи савдо сиёсати ва шунинг билан бирга иқтисодий таркибий ўзгаришларида, экспортга мўлжалланган ёки импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни ривожлантириш орқали иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ислохотларида самарали инструмент бўла олиши мумкин. Хўжалик юритувчи субъектлар ҳар ойда баланснинг валюта моддаларини ҳисобот оининг охириг қунига ва Марказий банк курси бўйича хўжалик операцияларини содир этиш санасига қайта баҳолашни амалга оширадilar. Бу жараён бевосита айирбошлаш курслари орқали ифодаланади. Айирбошлаш курси МБнинг алмашинув курсининг ўзгариши билан боғлиқ бўлган турли муддатлар учун ҳисобланган хорижий валютадаги тегишли актив ёки мажбуриятларнинг сўм баҳоси ўртасидаги фарқ. Демак курс фарқларининг вужудга келиши қиймати хорижий валютада белгиланган актив ёки

мажбуриятларнинг вужудга келиши, сўмни баҳолашда Марказий банкнинг турли муддатлардаги алмашинув курсининг ўзгариши натижасида содир бўладиган ўзгаришлардир. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти 22-сонли “Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби стандарти”га мувофиқ қайта баҳолаш ва курс фарқини белгилаш мақсадида баланснинг валюта моддаларига қуйидагилар эътироф этилади:

- кассадаги, банкнинг депозит ва ссуда счётларидаги валюта маблағлари, шу жумладан аккредитивлар;

- чет эл валютасидаги пул ҳужжатлари;

- чет эл валютасида ифодаланган қисқа муддатли ва узоқ муддатли инвестициялар;

- чет эл валютасида ифодаланган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, кредит ва заёмлар.

Мазкур стандартда валюта курси моддалари келтириб ўтилган, аммо валюта баланс моддаларининг таърифи мавжуд эмас. Ташқи савдо фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектларда баланс валюта моддалари бўйича ахборотларни киритилишининг янада шаффофлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги таърифни келтириб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Баланс валюта моддаси-бу эгалик қилинаётган валюта бирликлари валюта бирликларини ўзгармас, аниқланадиган суммасида олинадиган, тўланадиган активлар ёки мажбуриятлардир.

Шунингдек, мазкур стандарт ўз хусусиятидан келиб чиқиб, халқаро валюта операциялари билан боғлиқ жараёнларни ифода этади, аммо мазкур стандартда айнан валюта операцияларига таъриф келтириб ўтилмаган. Бизнинг фикримизча, “хорижий валютадаги операция-бу хорижий валютада операция амалга оширишга руҳсат этилган хўжалик юритувчи субъектда хорижий валютада белгиланган муомала ёки ҳисоб-китобни талаб этадиган операциядир”.

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 21-сонли “Валюта курсларидаги ўзгаришларнинг таъсирлари номли стандарти”да келтириб ўтилган айрим терминларни таҳлили қилар эканмиз, жумладан:

Функционал валюта (functional currency) - бу тадбиркорлик субъекти фаолият юритадиган асосий иқтисодий муҳитнинг валютасидир. Функционал валютани аниқлашда қуйидаги асосий омилларни таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Асосан хўжалик юритувчи субъектнинг товар ва хизматлар нархларига таъсир кўрсатадиган валюта, мамлакат валютаси рақобат шароитлари ва қонунчилиги хўжалик юритувчи субъектнинг товарлар ва хизматлар нархини белгилайдиган, хўжалик юритувчи субъект ходимлари учун сарфланадиган, материаллар ва бошқа харажатлар учун сарфланадиган харажатлари учун валюта бирлиги, корхонанинг акциядорлари ва кредиторларидан оладиган пул маблағлари валютаси, хўжалик юритувчи субъектнинг экспорт ёки импорт фаолиятидан олаётган даромад валютаси.



Функционал валюта фақатгина истисно ҳолатлардагина, яъни хўжалик юритувчи субъект фаолият юритиш шартларини ўзгартиргандагина ўзгариши мумкин.

**Тақдим қилиш валютаси (presentation currency)** - бу молиявий ҳисоботлар тақдим этиладиган валютадир. Масалан, мамлакатимизда экспорт фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектнинг Қозоғистон ёки Россия мамлакатада филиали мавжуд. Ўзбекистондаги хўжалик юритувчи субъектнинг функционал валютаси сўм. Россия филиалида рубль, Қозоғистон филиалида тенге. Ҳар бир субъектнинг фаолият натижалари ҳисоб-китоб валютасида қайта ҳисоб-китоб қилиниши керак. Мазкур жараёнда қайта ҳисоб-китоб қилиш валютаси сифатида сўм валюта бирлиги танланади. Демак, бу молиявий ҳисоботларни тақдим қилиш валютасини ташкил этади.

Маълумки, счётлар режасида 52 “Чет эл валютасидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар” валюта ҳисобварағи чет эл валютасида пул маблағлари мавжудлиги ва мамлакатдаги ҳамда чет эл банкларида чет эл валютасидаги пул маблағларининг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни жамлаш учун мўлжалланган. Чет эл валютасидаги ҳисоб-китоблар бўйича операцияларни бажариш ва уларни амалга ошириш тартиби банк қоидалари билан тартибга солинади. Чет эл валютаси ҳисобварағида резидент субъект томонидан унинг контрагентлари билан жорий ва узоқ муддатли валюта операцияларини амалга ошириш учун мўлжаллангандир.

#### **Хулосава тақлифлар**

Экспорт ва импорт билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектларда халқаро ҳисоб-китобларни амалга оширилишининг ўзига хослиги шундаки, муомалаларда чет эл валютаси иштирок этади. Айни пайтда ҳар бир давлат хўжалик юритувчи субъектларида миллий валюта қонуний тўлов сифатида қўлланилади. Шунинг учун ташқи савдо иш ва хизматлар кўрсатиш инвестициялар, давлатлараро тўловлар учун ҳисоб китобларни амалга оширишнинг зарур шarti валютани тўловчи ёки олувчи томонидан сотиб олиш ёки сотиш шаклида миллий валютани бошқа валютага айирбошлашдир. Демак, экспорт ва импорт билан шуғулланувчи хўжалик субъектларда хорижий валютадаги операциялар таснифини қуйидагича эътироф этишимиз мумкин.

*биринчидан*, валюта операцияларининг объекти сифатида миллий валюта ҳамда хорижий валюта иштирок этади.

*иккинчидан*, иштирок этувчилари сифатида валюта операциялари резидент, норезидент ҳамда бир вақтнинг ўзида резидент ва норезидентлар томонидан амалга оширилиши мумкин.

Чет эл валюта операцияларини амалга оширишда МҲҲСнинг қўлланилиши турли мамлакатлар хўжалик юритувчи субъектлари томонидан тайёрланган молиявий ҳисоботларнинг ошкоралиги, шунингдек, шаффофлигини таъминлайди. Бу молиявий ҳисоботларни тайёрлаш жараёнини соддалаштиради, хўжалик юритувчи субъектларда валюта фарқларни ҳисоб-китобларини амалга оширишнинг энг самарали усулларида фойдаланишга имкон беради.

Чет эл валютасида кўрсатилган активлар ва мажбуриятларни баҳолашда юзага келадиган энг мураккаб жараёнлардан бири курс фарқларидир. Шунинг

учун унинг такомиллаштирилишида ички ва халқаро меъёрларни ҳисобга олган ҳолда чет эл валютасида кўрсатилган бухгалтерия объектлари тўғрисидаги ахборотнинг йўлга қўйилишида энг мақбул методларнинг ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқдир.

Хулоса сифатида қайд этиш жоизки, экспорт ва импорт билан шуғулланувчи хўжалик субъектлар бухгалтерия ҳисобида валюта операцияларини ҳисобга олиш бир томондан ташқи иқтисодий фаолиятнинг тўлиқ тавсифини ташкил этади, бошқа томондан у хорижий валютада кўрсатилган активлар, капитал ва мажбуриятларнинг ҳолатини акс эттиради.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1.Вахобов А.В. Таджибаева Д.А., Хажибеков Ш.Х. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар Ўқув қўлланма.– Молия,2011,68-б.

2.Robert K., The IFRS for SMEs: Foreign Currency Translation Accountancy Plus. Issue 03. September 2011, 6-9p.

3.Суэтин А.А. Международные валютно-финансовые и кредитные отношения Ростов-на-Дону Феникс 2010, 6 с.

4.ШаповалЕ.В. Особенности учета валютных операций Вестник Университета №19 2013, 222 с.

5.Максименко Т.С. Развитие бухгалтерского учета внешнеторговых операций Таганрог 2009, 198 с <http://www.dissercat.com/>

6.Indian Accounting Standard (Ind AS) 21 The Effects of Changes in Foreign Exchange Rates.

7. Malaysian accounting standards board MASB Standard 6The Effects of Changes in Foreign Exchange Rates This MASB Standard becomes operative for financial statements covering periods beginning on or after 1, July 1999.

8.Rogowska E., Effects of Changes in Foreign Exchange Rates in International Accounting Standards and in Polish Accounting Regulations Olsztyn Economic Journal 5/1, 2010, 135-144 б

9. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 21 “Валюта курсларидаги ўзгаришларнинг таъсирлари” 2005 йилнинг 1 январь// [www.ifrs.org](http://www.ifrs.org)

10. Министерство финансов Российской Федерации приказ от 27 ноября 2006 г. N 154н Об утверждении положения По бухгалтерскому учету "Учет активов и обязательств, стоимость которых выражена в иностранной валюте"(ПБУ 3/2006) <https://normativ.kontur.ru>

11. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирининг 2004 йил 23 мартдаги 51-сон буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти 22-сонли “Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби стандарти”// [norma.uz](http://norma.uz)